# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 20 январь, № 14 (5181) Пайшанба


*“Халқ сўзи” газетасида шу йил 18 январь куни эълон қилинган “Мўл ҳосил пойдевори” сарлавҳали мақолани биз, фермерлар диққат-эътибор билан ўқиб чиқдик. Мақола қишлоқ хўжалигидаги бугунги долзарб масала — ғаллани маҳаллий ўғит билан озиқлантиришнинг аҳамияти ва бу борада бажарилиши керак бўлган ишлар хусусида муҳим тавсиялар берилгани билан янада аҳамиятлидир.*

## ЕРГА МАЛҲАМ, ЭКИНГА ҚУВВАТ

**Дил сўзи**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бу йил қишлоқ хўжалиги учун бир оз ноқулай об-ҳаво кузатилиб, ёғингарчилик нисбатан кам бўлаяпти. Бундай шароитда кўп куч ва харажат талаб қилинмайдиган маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш яхши самара беради. Бу тажрибада кўп бора ўз исботини топган. Биз фермер хўжалигимиз фаолиятида бунга алоҳида эътибор бераяпмиз. Гап шундаки, ўтган йили 41 гектар майдонда парваришланган ғаллазорнинг ҳар гектарига 7-8 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилиб, шу усулда озиқлантирилди. Натижада экиннинг сувга бўлган талаби 10-15 кунга узайиб, гектаридан ўртача 1000-1500 куб метр сув иқтисод қилинди. Ҳосилдорлик ошиб, гектар ҳисобига 55 центнердан сифатли дон йиғиштириб олдик.

Маҳаллий ўғит — ерга малҳам. У ғаллага айни шу кунларда берилса борми, экинни озиқлантирибгина қолмай, балки тупроқнинг табиий намлигини сақлаб, майсанинг туплаш, ўсиш ва ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Шунинг учун асосий эътибор керакли миқдорда маҳаллий ўғит захирасини яратишга қаратилмоқда.

Жорий йилда фермер хўжалигимизнинг 28 гектар майдонида уруғлик буғдой парваришланмоқда. Мутахассислар тавсиясига кўра, ҳар гектар учун 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқараяпмиз. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳисоб-китобларга қараганда, маҳаллий ўғитнинг 10 тоннаси таркибида 40-45 килограмм азот, 10-15 килограмм фосфор, 20-25 килограмм калий ва кўплаб микроэлементлар, шунингдек, углерод мавжуд экан. Бундан кўринадики, далага маҳаллий ўғит қанча кўп чиқарилса, тупроқ унумдорлиги шунча ортади.

Очиғи, мўлжалдаги ўғитни жамғаришда қийналаётганимиз йўқ. Биласиз, ўзимизнинг, қолаверса, қишлоқ аҳлининг ҳар бирида чорва бор. Маҳалла оқсоқолларининг ёрдами билан аҳоли хонадонларидан чиқаётган чорва молларининг нуриси, фикал ва парранда чиқиндисини тўплаб, дала бошига олиб чиқаяпмиз. Бундан одамларнинг ўзи ҳам хурсанд. Нега деганда, аҳоли тураржойлари, маҳалла-кўй саранжом-саришта бўлиб, санитария-гигиена ҳолати ҳам яхшиланаяпти-да.

Бугунга қадар ғалла икки марта суғорилиб, жамғарилган маҳаллий ўғитнинг 40 фоизи майса устига сепилди. Қолган қисми эса ҳар 3 гектар майдон учун биттадан қазилган махсус ҳандаққа кўмилиб, компост қилиб қўйилмоқда. Уни “шарбат” қилиб оқизамиз. Бундай қилинганда экиннинг илдиз тизими яхши ривожланиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги янада ортади, ҳосилдорлик 10-15 центнергача кўпаяди.

Бу каби чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли экиннинг ривожи кўнгилдагидек. Мўлжалдаги ниҳол тўлиқ униб чиқиб, майса бир текис ўсмоқда. Жорий йил гектаридан 60 центнердан ошириб ҳосил олмоқчимиз.

Бугунги ҳаракатимиз эртанги баракани белгилаб беради. Буни чуқур ҳис қилиб, ҳозирги қуруқ кунлардан унумли фойдаланиш пайида бўлаяпмиз. Ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички хўжалик ариқларини тозалаш ишлари жадаллаштирилган. Ҳадемай, бу юмуш сифатли қилиб якунланса, сувнинг беҳуда йўқотилишига йўл қўйилмайди.

Аслини олганда, бу йилги об-ҳаво — деҳқонларимиз учун бир синов. Агар омилкорлик билан ишлаб, узоқ йиллар давомида синалган тажрибадан унумли фойдалансак, табиат инжиқликларини мардонавор енгиб ўтишимиз, ҳар йилгидек мўл ва баракали ҳосил олишимиз, шубҳасиз.

**Карим ЧОРИЕВ,**
**Касби туманидаги «Чориев Карим Дониёрович» фермер хўжалиги раҳбари.**

## КИЧИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ҲАМДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида “Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди”, деб алоҳида таъкидланди.***

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ва улушини янада кенгайтиришни таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилар экан, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт”, деб алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан жорий йилнинг 18-19 январь кунлари Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида “Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш йўллари” мавзуида ташкил этилган семинарларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, оилавий бизнесни ҳамда илғор ғоя ва таклифларга асосланган ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишни рағбатлантириш йўллари муҳокама қилинди.

Семинарларда Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий ўсишни ва унинг барқарорлигини таъминлашда, иш ўринлари ташкил этиш ҳамда бандлик, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим роль ўйнаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани ва рағбатлантирилаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИБОР ВА ИМТИЁЗ

### туфайли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб бормокда



***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани янги корхоналарни ишга тушириш имконини берибгина қолмай, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ҳам хизмат қилаётир. Айниқса, кейинги йилларда ҳунармандчиликнинг устачилик, кандакорлик, ёғочсозлик сингари қадимий турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяптики, натижада отамерос касбларимиз қайта тикланиб, миллий анъаналаримиз ўзгача сайқал топмоқда.***

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

Пойтахтлик хусусий тадбиркор Шокир Зияев — шундай касб давомчиларидан бири.

— Қарийб ўттиз йилдан буён ёғочсозлик билан шуғулланиб келаман,— дейди у биз билан суҳбатда. — Оилада тўнғич фарзанд бўлганим боис ушбу касб сир-асрорларини укаларимга ҳам ўргатдим. Ўтган вақт мобайнида шогирдликка келган ёшларнинг аксарияти — бугун қўли гул уста. Ҳозирги кунда улар тайёрлаётган бешик, зина тутқичлари ва бошқа ёғоч маҳсулотлари шаҳримиз аҳлига яхши таниш.

Президентимиз Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг қон-қонига сингиб улгурган улуғ касблигини алоҳида эътироф этиб, келгусида мазкур соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердилар. Мен ҳам шулар сафида эканлигимдан бахтлиман, албатта.

Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорлик янгича кўринишда ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига илғор технологияларнинг изчил жалб қилинаётгани уларда янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига асос бўлаяпти.

Шокир Зияев ҳам шундай имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда, 2009 йилдан бошлаб мебель ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бунда банкдан олинган 2 миллион 800 минг сўмлик бошланғич сармоя қўл келди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган уй, идора ва ошхона мебеллари сифат жиҳатидан турдошларидан асло қолишмайди.

Тадбиркор келгусида маҳсулот тури ва иш ҳажмини ошириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ишчилари Абдурасул Мираҳмедов ва Мансур Мелибоев.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

**Тадбир**

***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида “Устоз-шогирд” мактабининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-методик семинар ўтказилди. Унда умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитувчилари иштирок этди.***

## «УСТОЗ-ШОГИРД» МАКТАБИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, малакали ўқитувчиларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни таълим тизимига изчил татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида ҳар жиҳатдан соғлом ва етук ёшларимиз сафи кенгаймоқда. “Устоз-шогирд” мактаби” лойиҳаси ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳада салкам тўрт мингга яқин ўқитувчи иштирок этиб, ўз касб маҳоратини юксалтирди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

### доимий комиссиялар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

*Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган умумдавлат дастурларининг жойларда, қуйи бўғинларда тўла-тўкис бажарилиши, кўп жиҳатдан, ўша ҳудудлардаги вакиллик органлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолияти билан боғлиқ. Хўш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари амалдаги қонунчиликдаги ваколатларидан қай даражада фойдаланишаётир? Мухбирларимиз шундай савол билан бир қатор доимий комиссиялар раисларига мурожаат этишди.*

**Маҳаллий Кенгашларда**

**Пахриддин МАТКАРИМОВ, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси раиси, Сенат аъзоси:**

— Комиссиямиз томонидан ўтган йил давомида “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ижроси мунтазам мониторинг қилиб борилди. Дастурнинг тегишли бандлари бажарилишини ўрганишга масъул этиб тайинланган депутатлар жойларда бўлиб, мавжуд вазият юзасидан таҳлилий ҳисобот бериб бордилар. Зарур ҳолларда тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига эслатмалар юборилди.

Фаолиятимиз натижаси эса жойларда ёшлар манфаатларини кўзлаб амалга оширилган кенг миқёсли бунёдкорлик ишларида яққол кўринади. Масалан, дастурга биноан, Наманган шаҳридаги эски Маданият саройини вилоят “Ёшлар маркази”га айлантириш лойиҳаси рўёбга чиқарилди. Замонавий қиёфа касб этган ушбу масканда йигит-қизларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши, касб-ҳунар эгаллаши, санъат, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилди. Ушбу тажрибани Тўрақўрғон, Уйчи ва Норин туманларида ҳам жорий этиш таклифини тайёрладик.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўтган йил декабрь ойидаги сессиясида “Баркамол авлод йили” ҳудудий дастурининг бажарилиши атрофлича кўриб чиқилди. Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 357 миллиард 949 миллион сўм маблағ сарфланиб, катта миқёсдаги ишлар рўёбга чиқарилди. Янги таълим ва касб-ҳунар масканлари, спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, таълим соҳасига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, йигит-қизларнинг ижодий, интеллектуал салоҳиятини оширишга доир амалга оширилган тадбирларни улар сирасига киритиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли лойиҳалари ижросига кўмаклашиш, ёшлар учун ахборот майдонини кенгайтириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Эсон РАЖАБОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси:**

— Комиссиямиз аъзолари ўз фаолиятида фуқаролар муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, бултур 150 нафардан зиёд фуқаронинг муаммолари, талаб ва таклифлари ўрганиб чиқилди. Улар асосида мутасадди ташкилотларга 50 га яқин депутатлик сўрови юборилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Ноз-неъмат учун идиш

***ҚАШҚАДАРЁ.*** *Китоб туманидаги “Ҳасанов Шоҳнур Боқиевич” хусусий корхонасида боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари учун мўлжалланган пластмасса идишлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун “Агробанк”нинг 25 минг АҚШ долларилик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир корхонада кунига бир ярим минг донагача маҳсулот тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

Умуман, ўтган йили туманда ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 20 миллиард 843 миллион 493 минг сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Касаначилик келтирган даромад

***БУХОРО.*** *Қоракўл туманидаги “Омадли Моҳидил Бахмал плюс” хусусий корхонасида махсус иш кийимлари тикиш йўлга қўйилди.*

Бунда тадбиркор Бахмал Абдиев ўз сармояси ва банкдан олган 20 миллион сўмлик кредит қўл келди. Натижада 10 дан ортиқ касаначилик иш ўрни яратилди. Ўтган қисқа муддатда жамоа кучи билан 20 миллион сўмлик коржома тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Айтиш керакки, туманда 2010 йилда мавжуд корхоналар кенгайиши ҳамда янги тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлаши ҳисобига 6091 янги иш ўрни яратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Дастурхон файзи

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.*** *Тўрткўл пахта тозалаш корхонаси жамоаси саъй-ҳаракати билан тумандаги “Намуна” машина-трактор паркининг қаровсиз ётган биноси 20 миллион сўм маблағ эвазига реконструкция қилиниб, паррандачилик фермасига айлантирилди.*

Хусусан, бу ерга 47 миллион сўмлик замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Шу кунларда корхона жамоаси ички бозорга дастлабки ярим тонна парҳез гўшт маҳсулотини чиқарди.

Эътироф этиш керакки, “Қорақалпоқпахтасаноат” акциядорлик бирлашмаси томонидан Оролбўйида яна 6 та ана шундай паррандачилик корхонаси ташкил этилмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИ КЕНГАЙМОҚДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2010 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда пластик карточкалар орқали тўловлар ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан***

**2,5 баравар ошди.**

Жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## соҳага оид қонунларни янада такомиллаштиришни тақозо этади



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштиришга бағишланган тадбирда қуйи палата депутатлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, олимлар иштирок этди.*

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлол йилларида маҳалла ва фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий асосини шакллантириш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, ушбу муассасаларнинг ваколатларини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган. Айни чоғда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ҳужжатлар юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилида кўзда тутилган мақсадларни юзага чиқариш имконини бермоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалла халқ ишончини қозонган адолат маскани, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб шаклланди ҳамда жамиятда ислоҳотларни амалга оширишнинг мустаҳкам таянчи ва таъсирчан воситасига айланди. Айни пайтда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда бир қатор вазифаларни рўёбга чиқариш зарурати ҳам мавжуд. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови чинакам демократия ва муқобиллик асосида ўтишини тўлиқ таъминлаш, бунинг учун сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Шундан келиб чиқиб, тадбирда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунини янада такомиллаштириш хусусида сўз юритилди. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчиларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

**Интилиш**

# Банкнинг эзгу лойиҳаси

***Наманган шаҳрида кийим-кечак тайёрлашга ихтисослаштирилган “Зиё савдо дизайн” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Ушбу лойиҳани амалга оширишда “Микрокредитбанк”нинг вилоят филиали томонидан ажратилган 40 миллион сўмлик кредит қўл келди. Ҳозир 24 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада сўнгги бир ой давомида 80 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи костюм-шимлар тайёрланди.

**Н. ҚУДРАТОВ.**

# КИЧИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ҲАМДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳокамалар асносида таъкидланганидек, агар 2000 йилда бандликни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қулай муҳит яратилиши натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил якуни бўйича бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётдаги жами ишловчиларнинг 74 фоиздан ортиғи мазкур соҳада банд бўлиб, 2010 йилнинг ўзидагина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ушбу масалаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, Тошкент ва Бухоро вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар қилинган. 2010 йил 9 ойи давомида Тошкент вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тузилмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши тегишинча 55,6 ва 5,9 фоизни, Бухоро вилоятида эса 61 фоизни ташкил этган ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 фоиз кўпайган. Шу билан бирга, бу вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини таҳлил ҳамда муҳокама қилиш асносида мазкур соҳани ривожлантиришнинг аҳволига танқидий баҳо берилди. Оҳангарон, Паркент, Пешку, Олот, Шофиркон, Ромитан, Бухоро туманларида кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ташкил этиш, соғлом ва самарали тадбиркорлик муҳитини яратишдаги янгиликларни рағбатлантириш масалаларини жиддий қайта кўриб чиқиш зарур. Пешку туманида 1183 та, Паркент туманида 276 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти инфратузилма хизматлари даражаси пастлиги, кредит маблағлари олишдаги қийинчиликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли ўз фаолиятини тугатган.

Муфассал таҳлил ва муҳокама асносида семинар қатнашчилари кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳани ривожлантириш учун берилган имтиёз ҳамда преференцияларнинг самарадорлигини ошириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани танқидий баҳолаш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни кредит билан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шунингдек, семинар қатнашчилари ердан фойдаланиш, архитектура-қурилишни ривожлантириш, кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, рухсат бериш тартиб-таомиллари масалаларини ҳал қилиш борасида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг масъулиятини амалда ошириш, шунингдек, тушунтириш ишларининг янги ва самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этишни, кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига консалтинг ҳамда бошқа хизматлар кўрсатишни жиддий такомиллаштириш зарурлигига ҳам эътибор қаратдилар.

Семинарлар ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вакиллари, шунингдек, олимлар ва олий ўқув юртлари мутахассислари, Бухоро ва Тошкент вилоятлари маҳаллий ҳокимият ва бошқаруви органлари раҳбарлари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

**(ЎзА).**

**Яхши хабарлар**

## 10 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ

***Яқинда Урганч туманидаги “Тилло домор” сутни қайта ишлаш корхонасининг яна бешта туманда сут қабул қилиш шохобчалари ташкил қилинди.***

Тез кунларда яна ўн жойда ана шундай шохобчалар фаолият кўрсата бошлайди. Бунинг учун 200 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Таъкидлаш керакки, “Тилло домор”нинг 30 кишилик жамоаси янги имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига ўтган бир йил давомида 10 турдаги 1 миллиард сўмликдан зиёд сут маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## МАҲАЛЛАНИНГ МУҲТАШАМ БИНОСИ

***Учқудуқ шаҳридаги “Айтим” маҳалла фуқаролар йиғини идораси янги бинода фаолият бошлади.***

Бу ерда “Айтинаупурилиш” корхонаси бунёдкорлари 105 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Қишлоқ кўркига кўрк қўшган ушбу масканда айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғинининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилган.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СИФАТЛИ СЕРВИС ХИЗМАТИ

***Сирдарё вилоятидаги “Насл хизмати” масъулияти чекланган жамияти “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг вилоят филиалидан ажратилган 74,8 миллион сўм маблағ эвазига ўз фаолиятини кенгайтирди.***

Хусусан, вилоят туманларида чорва молларини сунъий уруғлантиришга ихтисослаштирилган 26 та шохобча ташкил этилди. Натижада жамият мутахассисларининг жойларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратилди.

Эътиборлиси, ўтган қисқа муддатда аҳолига 24 миллион сўмлик сервис хизмати кўрсатилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

## доимий комиссиялар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда жойлардаги ичимлик суви ва табиий газ таъминотидаги камчиликлар, ички йўлларни таъмирлаш, нафақаларни вақтида етказиб бериш ва бошқа масалалар бўйича фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилаётир.

Депутатлик сўровлари натижасида кўпгина масалалар ижобий ҳал этилаётгани қувонарлидир. Хусусан, Касби туманидаги “Янги ҳаёт” қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисининг электр таъминотини яхшилаш, Назартепа қишлоғини газлаштириш, “Алачабоб” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги мактаб биноси қурилишини режага киритиш ана шулар жумласидандир.

Ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш комиссиямизнинг муҳим фаолият йўналиши ҳисобланади. Бу соҳада ўтган йил давомида Қамаши, Китоб, Косон, Касби туманлари ҳамда вилоят ташкилотларида “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар ижроси ўрганилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Жорий йилда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, қонун устуворлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирларни режалаштирганмиз. Бу, албатта, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сайловчилар билан доимий мулоқоти ва аҳоли билан ишлашини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Эгамберган БАБАЖАНОВ, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси:**

— Фаолиятимизда асосий эътиборни тадбиркорларга кўмаклашиш, янги корхоналар ташкил этиш, шу орқали янги иш ўринларини яратишга қаратаяпмиз. Мисол учун, ўтган йили комиссия ташаббуси билан Боғот туманида “Бешариқ сут” масъулияти чекланган жамияти, Янгиариқ туманида “Янгиариқ ошпаз” унитар корхонаси каби бир нечта корхоналар ташкил этилиб, уларда янги иш ўринлари яратишга кўмаклашилди.

Айни чоғда доимий комиссиямиз ўз ваколати доирасидаги масалаларни таҳлил этиб, ўрганиб бораётир. Масалан, халқ депутатлари туман Кенгашларида Хоразм вилоятида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш бўйича 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ижросини таъминлаш юзасидан тадбирлар ўтказилди. Билдирилган фикрлар, муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Бунда, айниқса, депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланаяпмиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида комиссиямиз зиммасида янада улкан вазифалар турибди. Айниқса, банклар томонидан кичик бизнес соҳасига кредит ажратиш ва улардан самарали фойдаланишга эътиборни кучайтириш, соҳага ёшларни кўпроқ жалб этиш каби масалалар ҳам фаолиятимиз марказида бўлади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**О. РАҲИМОВ ёзиб олди.**

# ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИНИНГ ШИЖОАТИ

## аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда



**Б**угунги кунда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли қишлоқ мулкдорлари нафақат етиштирувчи, балки қайта ишловчи сифатида ҳам ўзларини намоён этмоқдалар. Амударё туманидаги “Қадамбой Пўлат” фермер хўжалигини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Хўжаликда ўтган йили 31 тонна дон ва 131 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олиниб, 100 миллион сўм даромад қилинган эди.

— Имкониятларимиздан келиб чиқиб, хўжалигимиз қошида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона қуриб ишга туширдик, — дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Маъмур Тожимов. — Бунинг учун “Агробанк”нинг туман филиалидан ажратилган 26 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига хориждан соатига 150 дона қолипли

**Изланиш**

нон тайёрлаш қувватига эга замонавий технология келтириб ўрнатилди. Натижада жамоамиз аъзолари сафи яна беш нафарга кўпайиб, 67 нафарга етди. Қисқа муддатда 8 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бердик.

Фермер хўжалиги жамоасининг нияти катта. Улар келгусида корхона фаолиятини кенгайтириб, маҳсулот тури ва иш ҳажмини ошириш мақсадида астойдил изланмоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

# «УСТОЗ-ШОГИРД» МАКТАБИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мактабимизда 465 нафар ўқувчи билим олади, — дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Жаҳонгир Тоҳиров. — Ўттиз олти нафар ўқитувчининг аксарияти “Устоз-шогирд” мактаби” лойиҳаси асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса дарсларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишига хизмат қилаётир.

Семинарда ёш ўқитувчиларга малакали педагогларнинг иш тажрибасини ўргатиш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига изчил татбиқ этиш, ўқувчилар фанларни яхши ўзлаштириши учун электрон дарсликлар ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишга оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Транспорт тизими**

# ПОЙТАХТГА ХОС, ЗАМОНГА МОС

***Мамлакатимиз транспорт тизимида Тошкент метрополитени алоҳида ўрин тутади. “Метрополитен” сўзи французча бўлиб, “пойтахтга хос” деган маънони англатади. Чиндан ҳам, асосан, тоннеллардаги темир изларда ҳаракатланувчи мазкур транспорт воситаси кўп миллионли аҳолига эга ва кўча ҳаракатлари мураккаб бўлган йирик мегаполисларда бунёд этиладиган ҳамда йўловчилар тиғизлиги муаммосини ҳал этишда ғоятда қўл келадиган замонавий транспорт туридир.***



Деярли 3 миллионга яқин аҳоли яшайдиган Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳри учун мазкур транспорт турининг аҳамияти беқиёс.

Тошкент метрополитени ҳар куни 220-230 минг нафар пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Бу, умуман, Тошкент шаҳридаги йўловчи ташиш хизматининг 17 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Ишга туширилган пайтидан шу кунга қадар метро тизими 3 миллиард 580 миллиондан кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатди.

Пойтахтимиз метрополитени ўзига хос мураккаб муҳандислик қурилмалари мажмуаси бўлиб, ҳозирги кунда унинг поездлари уч йўналишда ҳаракатланмоқда. Метронинг умумий узунлиги 38,35 километрдан иборат. Шундан 16,2 километр узунликдаги метро йўлини “Чилонзор” йўналиши, 14,9 километрни — “Ўзбекистон” йўналиши, 7,25 километрни — “Юнусобод” йўналиши ташкил этади. Ана шу уч йўналишда 22 та бири-биридан муҳташам ва чиройли метро бекати мавжуд. Тизимга 2 та депо ва ҳаракатдаги поездларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмларини тайёрлаш билан шуғулланувчи яна бир депо хизмат кўрсатади.

Тошкент метрополитени — Марказий Осиёда ягона, МДҲ давлатлари доирасида эса ўзининг техникавий ва фойдаланиш салоҳиятига кўра, энг йирик метро хизмати тизимларидан биридир. Бугунги кунда пойтахтимиз метроси линиялари энг замонавий технологиялар ва техник воситалар билан жиҳозланган. Улардаги поездлар ҳаракати автоматик локомотив сигнал тизими ҳамда марказлаштирилган автоматик диспетчерлик назорати орқали бошқарилади. Энергия таъминоти, эскалаторлар, насос қурилмалари, тоннелларни шамоллатиб туриш ва бошқа муҳандислик жиҳозлари ҳам автоматик бошқарувга бўйсундирилган. Энг муҳими, метро линияларидаги кундалик хизмат, таъмирлаш ҳамда барча босқичдаги ходимлар малакасини ошириш ишлари мунтазам ва изчил йўлга қўйилганлиги натижасида бундай автоматик бошқарув тизими тез ва ишончли фаолият кўрсата олиши кафолатланган.

Метрополитеннинг барча ходимлари халқимизга намунали метро хизматини кўрсатиш, йўловчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш ва хизмат маданиятини янада яхшилаш мақсадида тинимсиз изланиб меҳнат қилмоқдалар.

Шуни айтишимиз керакки, метрополитен фақат муҳандислик қурилмасигина эмас. Айни пайтда у бетакрор меъморий-бадиий безакли, манзарали ва маҳобатли мажмуавий иншоотдир. Унинг ҳар бир бекати кундузгидай ёруғлиги, баҳаволигидан ташқари, меъморий ва бадиий безак ишларининг узвий уйғунлигидан туғилган гўзаллиги, муҳташамлиги билан йўловчиларга завқ бағишлайди. Айниқса, истиқлол даврида бекатларнинг меъморий-бадиий кўринишида бетакрор миллий мафтункорлик кучайди.

Умуман айтганда, мустақиллик йилларида Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ташаббуслари билан пойтахтимиз мислсиз даражада чирой очиб, Ер юзининг манаман деган шаҳарлари қаторидан жой олди.

Айнан истиқлол даврида Тошкент майдонлари гўзаллашди, кўчалари кенгайди ва равонлашди. Янги йўллар, кўприклар, ҳалқа йўллари бунёд этилди. Бундай бунёдкорлик пойтахтимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Яна шуни айтишимиз керакки, мустақиллик йилларида Тошкент метрополитени янги йўналишлар ҳисобига шаҳар бўйлаб кенг томир ёйди. 1991 йилнинг апрель ойида узунлиги 4 километрга яқин “Чорсу” ва “Беруний” бекатлари ўртасидаги янги метро йўли очилди. Умумий узунлиги 11 километрдан иборат бўлган ва бутун йўналиш давомида 9 та бекатни қамраб олган “Ўзбекистон” йўналиши дунёга келди. 2001 йилнинг октябрь ойида эса Тошкент метрополитенининг учинчи йўналиши барпо этилиб, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида узунлиги 7 километрдан зиёд 6 та янги бекатли линия ишга туширилди. Бу линия ҳам пойтахт аҳли, айниқса, Юнусобод туманида яшайдиган 300 мингдан зиёд аҳоли учун катта қулайлик яратди.

Тошкент метрополитени раҳбарияти жаҳоннинг бошқа йирик шаҳарларидаги метро хизмати бошқарувлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ўзаро тажриба ва янгиликлар алмашишга асосланган бундай ҳамкорлик халқимизга метро транспорти хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ва тизимда хизмат маданиятини тобора юксалтиришда ўз самарасини бермоқда.

**Исмоил БАҲОДИРОВ,**
**Тошкент метрополитени бошлиғининг биринчи ўринбосари, метрополитен бош муҳандиси.**

**«Республика кўчмас мулк биржаси»:**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ЮКСАЛИШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимиз иқтисодиётининг йилдан-йилга барқарорлашиб, аҳоли турмуш даражасининг тобора яхшиланиб бораётгани Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар нечоғли тўғри ва оқилона эканлигини яққол кўрсатиб бермоқда. Жумладан, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 бароварни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 бароварни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 бароварни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кескин таъсирини енгиб ўтишга муваффақ бўлган камдан-кам давлатлар қаторидан жой олганимиз тараққиётнинг “ўзбек модели” ва шу асосда 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалдаги самаралари сифатида халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақил ва иқтисодий жиҳатдан барқарор давлат қуриш бўйича ўз моделини танлаган кунларданоқ республикамизда кўчмас мулкларнинг замонавий бозорини яратиш, унинг иштирокчилари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 1994 йил 21 январда Президентимизнинг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унда республика кўчмас мулк биржасини ташкил этиш ва хусусийлаштирилаётган давлат объектларини у орқали сотишни амалга ошириш белгилаб берилган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармонида кўчмас мулк бозорини, биринчи навбатда, савдо, маиший, коммунал хизмат кўрсатиш объектларини ва қурилиши тугалланмай қолган иншоотларни танлов асосида сотиш йўли билан шакллантириш назарда тутилган. Шулардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги қарорига мувофиқ, “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ ташкил этилди. Қарийб ўн етти йиллик фаолияти давомида мазкур биржа аҳолининг кенг оммасига, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларига, хорижий инвесторларга ўзининг ҳар томонлама сифатли хизматларини кўрсатиб, уларнинг ишончига сазовор бўлиб келмоқда.

“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ эндигина иш бошлаган йилларда асосий эътибор хусусийлаштириш дастурларига киритилган давлат активлари савдоларини ташкил этишга қаратилди. Масалан, 1994 йилдаги савдолар орқали дастлаб аксарияти хусусийлаштирилаётган давлат мулклари ҳисобланган 266,0 млн. сўмлик 400 дан ортиқ объектлар ўз харидорларини топган бўлса, 1995 йилга келиб 860,0 млн. сўмлик 8400 дан зиёд мулклар сотилишига эришилди.

Мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни юзага келтириши билан бирга, мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Биржа тизимида 2003 йилга келиб, давлат объектларининг сотилиши сезиларли даражада кўпайди. Президентимизнинг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши бунинг асосий омили бўлди. Жумладан, 2003 йил давомида “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖнинг умумий савдо айланмасини 23 460,0 млн. сўмлик 13 913 дона объект ташкил қилган бўлса, унинг 62 фоизи давлат активларидир.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришни хусусийлаштириш дастурисиз амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан ҳам истиқлол йилларида савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги давлат мулкларини нодавлат мулкчилик шаклига ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу иқтисодиётимизда нодавлат сектор улушининг ортишига, тадбиркорлик фаолиятининг жадал тараққий этишига олиб келди. Давлат мулкларини хусусийлаштириш жараёнларида “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ хусусийлаштирилаётган мулкларнинг биржа, аукцион, танлов савдоларини ташкил этиш орқали бевосита иштирок этиб келмоқда.

***2010 йил якунларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда биржа ташкил этилганидан бошлаб, бугунги кунга қадар савдолар орқали жами қиймати 84 млрд. сўмга яқин давлат активлари хусусий сектор эгалигига ўтказилди. Хусусийлаштирилган давлат мулклари негизида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиб, минглаб иш ўринлари яратилди. Энг муҳими, мулк ўз эгасини топиб, юртимизда мулкдорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.***

Кўчмас мулкларнинг замонавий бозорини яратиш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида кўчмас мулк биржаси фаолиятини янада ривожлантириш зарурлиги ва кўчмас мулкларнинг бирламчи бозорларини ташкил қилган ҳолда, асосий эътибор иккиламчи бозорларни яратиш ва ривожлантиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланган эди.

Президентимизнинг мазкур фикрларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари”га мувофиқ, 1996 йилдан бошлаб “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ томонидан кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозорини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорида кўчмас мулк бозорини ривожлантириш режаси асосида кўчмас мулкларнинг бирламчи бозорини шакллантириш давом эттирилиши билан бир вақтда, иккиламчи бозорни ҳам тараққий топтириш лозимлиги белгиланди. Натижада йилдан-йилга хусусий секторга қарашли кўчмас мулкларни биржа, аукцион ва танлов савдолари орқали сотиш ҳажми ортиб борди. Тугатилаётган корхоналарнинг, шу жумладан, банкрот корхоналарнинг мол-мулкларини аукцион савдоларида сотиш йўлга қўйилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги 296-сонли қарори билан “XXI аср дастлабки йилларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш дастурлари рўйхати”га асосан, кўчмас мулк бозорини ривожлантиришнинг кичик дастури тасдиқланди. Ушбу дастур билан кўчмас мулк бозорини ташкилий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, кўчмас мулк биржасини мустаҳкамлаш ва унинг фаолият кўрсатиш механизмини такомиллаштириш, уй-жой бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Ўтган йиллар давомида иккиламчи бозорни ривожлантириш учун “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ меҳнат жамоаси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, биржа комиссион йиғимлари кўрсатилаётган хизматлар сифатини пасайтирмаган ҳолда, жамиятнинг ўз харажатларини кескин қисқартириши ҳисобига 10 баравардан кўпроқ миқдорга камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари асосида “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ тизимида сервис хизматларини кўрсатиш янги босқичга кўтарилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини кўчмас мулк биржаси савдоларига чиқаришни ҳамда савдоларда турган мулкларга салоҳиятли харидорлар топишни рағбатлантириш учун биржа тизимида савдо агентлари иши йўлга қўйилди. Эндиликда савдо агентлари томонидан талабгорларнинг истакларидан келиб чиқиб, савдоларга чиқариладиган мулкларга тегишли ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва савдоларнинг ўтказилиши билан боғлиқ маслаҳат-консалтинг хизматларини бевосита жойларга чиқиб кўрсатиш амалиёти жорий этилди. Бундан ташқари, мулк эгалари ва уларнинг вакилларига савдоларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бепул юридик хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

***Хусусан, 2009 — 2010 йиллар давомида савдо агентлари томонидан 2000 га яқин корхона ва ташкилотларга биржа хизматларини кўрсатиш бўйича тижорат таклифлари тарқатилиб, улар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузишга эришилди.***

Мулк эгаларининг сўровларидан келиб чиқиб, биржанинг энг тажрибали ходимлари иштирокида мол-мулкларнинг савдоларини жойларда ташкил этиб бериш амалиёти шакллантирилган.

“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖда фаолият юритувчи брокерлик идоралари ва брокерлар билан ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур биржа тизимида дастлабки даврларда 130 га яқин якка тартибдаги тадбиркор мақомидаги брокерлар фаолият юритган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарорига асосан, 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарорга қўшимчалар киритилиб, биржалардаги брокерлик фаолияти фақат юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бу эса брокерлик идоралари томонидан масъулиятнинг ва кўрсатиладиган хизматлар сифатининг янада оширилишида муҳим омил бўлди.

***2010 йил якунига кўра, “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ тизимидаги 297 та брокерлик идорасида меҳнат қилаётган 340 нафар брокер савдоларда фаол иштирок этди.***

Савдолардаги оммавийлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида харидорлар, тадбиркор ва сармоядорларни савдо тартиблари ҳамда савдоларга қўйилган мулклар ҳақида етарли даражада ахборот билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда савдога қўйилаётган ҳар бир мулк, объект ва улушлар бўйича тегишли ахборот, реклама ҳамда эълонлар мулк эгаларининг талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда, кенг миқёсда уюштирилиб, республикамизда чоп этиладиган газета саҳифаларида, телерадиоканалларда ҳамда биржанинг интернет глобал ахборот тармоғидаги www.rkmb.uz сайтида мунтазам чиқариб борилмоқда. Савдо натижалари пешма-пеш кенг оммага етказилаётгани ҳам тадбиркор ва мулкдорларнинг савдолар ҳақида етарли ахборот олишлари учун янада қулайликлар яратмоқда. Бугунги кунда “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖнинг савдолар ҳақидаги рекламалари, эълонлари ва хабарномаларини 35 дан ортиқ марказий ҳамда маҳаллий нашрларда кузатиш мумкин. Савдо натижалари ҳар ҳафтада камида 2 та газетада, жумладан, “Биржа” ва “Менинг мулким — Частная собственность” газеталарида чоп этиб борилмоқда.

“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ жамоаси савдо иштирокчилари, тадбиркор ва ишбилармонларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида тизимда қатор янгиликларни жорий этмоқда. Хусусан, 2009 йилнинг 12-13 ноябрь кунлари биржа марказий идораси биносида кўчмас мулк бозори тарихида илк маротаба кўчмас ва бошқа мол-мулкларнинг кўргазмали ярмаркаси ташкиллаштирилди. Ярмаркада умумий қиймати 80 миллиард сўмлик 1400 дан зиёд мулкий мажмуалар, бино-иншоотлар, турли русумдаги автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулклар намойиш қилинди. Улар орасида хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат активлари, хусусий мулклар, шунингдек, суд бошқарувчилари томонидан чиқарилган банкрот корхоналарнинг мулкий мажмуалари, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг тегишли бўлимлари томонидан чиқарилган мулклар асосий ўринни эгаллади. Иштирокчиларга ярмарка давомида мулклар билан яқиндан танишиб, улардан маъқулини савдолар орқали шу ернинг ўзида сотиб олиш имкониятлари яратилди.

Шунингдек, 2003 йилдан бошлаб биржа савдоларини республика миқёсида марказлашган тарзда электрон кўринишда ўтказиш йўлга қўйилди. Яъни биржа савдоларига республиканинг исталган ҳудудидан уланиш ва унда қатнашиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, 2009 йилдан бошлаб, биржа тизимида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни асосида янги савдо тури — кўчмас ва бошқа мулкларнинг электрон савдолари амалиётга жорий этилди. Янги савдо тури ўзининг тезкорлиги, савдоларда иштирок этишнинг соддалаштирилган тартиби билан кўпчиликка манзур бўлди.

Ўтган 2010 йилда Давлат мулки қўмитаси кўмагида “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ Марказий аппарати биносида уй-жой савдо маркази ташкил этилди. Марказда аҳолига уй-жойлар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш бўйича барча хизматлар кўрсатилиши учун шароитлар яратилган. Унда нотариус, суғурта ташкилотлари, банк муассасаси, савдо агентлари, брокерлик хизматлари бир жойнинг ўзида кўрсатилади.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг кенг қатламида биржа томонидан кўрсатилаётган хизматларга ишонч орта борди. 1994 йилда савдо ҳажмининг, бор-йўғи, 14,5 фоизини нодавлат мулклари ташкил этган бўлса, бу борадаги кўрсаткич 1996 йилда 49 фоизга, 2001 йилда 76,6, фоизга, 2009 — 2010 йилларда эса 99 фоизга етди (диаграммага қаранг). Агар буни бошқача ифодалайдиган бўлсак, 2010 йил якунларига кўра, “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ тизимида ташкил этилган савдолар натижасида жами қиймати 199,1 млрд. сўм бўлган 9,5 мингдан зиёд мулк сотилган, шундан қиймати 196,6 млрд. сўм бўлган 6,9 мингдан ортиқ мулклар нодавлат мулклари ҳисобланади.

**“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖнинг 1994 — 2010 йиллар жами савдо айланмасида давлат активлари ва хусусий секторга тегишли мулклар улушини таққослаш диаграммаси**




2006 йил 31 августда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга асосан, ундирувга қаратилган кўчмас мулклар ва автомототранспорт воситалари биржалар томонидан ўтказиладиган аукцион савдолари орқали сотилиши белгиланди. Ўз навбатида, мазкур мулкларнинг аукцион савдоларини ташкил этадиган биржалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан танлов асосида олинадиган бўлди. Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 — 2010 йиллар давомида биржаларни танлаб олиш бўйича ўтказилган барча танловларда “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ муваффақиятли иштирок этиб, танлов ғолиблари қаторида эътироф этилди ва суд ижрочилари томонидан аукцион савдоларига чиқариладиган мулкларнинг савдоларини ташкил этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биргина 2010 йилнинг ўзида суд ижрочилари томонидан аукцион савдоларига чиқарилган 1040 та кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаси ҳамда бошқа мол-мулклар очиқ аукцион савдоларида 12,6 млрд. сўмга сотилди.

“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори талаблари асосида бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдолари ҳам ташкил этилиб келинмоқда. Биржа томонидан бундай хизматларнинг кўрсатилиши, ўз навбатида, бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг мавжуд талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор қийматида сотилишига олиб келади. Жумладан, ушбу қарор асосида 2010 йил давомида савдога чиқарилган 160 дан ортиқ автотранспорт воситалари 622,04 млн. сўмга сотилди.

***Биржада савдолар ҳажмини ошириш билан бирга, унинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ва молиявий мустаҳкам корхоналар сафида бўлишига ҳам катта эътибор қаратилади. РКМБ ташкил этилганда дастлаб унинг кирим жамғармаси, бор-йўғи, 50,0 минг сўмдан иборат бўлган бўлса, 1998 йилда унинг миқдори 1,0 млн. сўмга, 2003 йилда эса 55,0 млн. сўмга кўпайтирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида жамият устав фонди 605 млн. сўмга етказилди. 2010 йилда эса бу кўрсаткич 1001,0 млн. сўмга оширилди. Бунда жамият томонидан чиқарилган ҳар бир акциянинг 110 000 сўмлик номинал қиймати капиталлаштириш натижасида 182 000 сўмга етказилди.***

“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ тизимида савдоларни ташкил этиш ишларига кўмаклашиш, биржа аъзолари ҳамда савдо иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Листинг, Котировка ва Ҳакамлик комиссиялари фаолияти йўлга қўйилган. Листинг комиссияси томонидан мулкларни ташкил этилаётган биржа савдоларига чиқариш тартиби назорат қилиб борилади. Котировка комиссияси томонидан мулкларнинг савдо натижаларига кўра шаклланган ўртача нархлари чиқарилиб, савдо натижалари биржа аъзолари ва бошқа манфаатдор шахслар эркин танишишлари учун оммавий ахборот воситаларида чоп эттирилади. Бу эса аҳоли ва тадбиркорларга савдо натижаларини кузатиб бориш орқали кўчмас мулк бозоридаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш ва ўз мулкларининг реал вақтдаги ўртача қийматини белгилаб олиш имкониятини яратади. Ҳакамлик комиссияси томонидан биржа аъзолари ва мижозлар ўртасида савдо жараёнига боғлиқ ҳолда вужудга келадиган низолар кўриб чиқилади. Жумладан, ўтган 2010 йил давомида Ҳакамлик комиссиясида биржа аъзолари ва мижозларнинг 69 та мурожаати ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Юртбошимиз таклифи билан 2011 йил мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ жамоаси ҳам жорий йилда кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг савдоларда кенг иштирок этишлари ва бизнесларини ривожлантиришда зарур бўлган мулкларни харид қилишлари учун янада кўпроқ қулайликлар яратиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўтган йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Республикасининг “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни матбуотда расмий эълон қилинди. Унинг 28-моддасида белгилаб қўйилганидек, ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач, кучга киради. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланган кўчмас мулк бозори иштирокчиларининг фаолиятини қонун йўли билан тартибга солиш мақсадини кўзлайди. Қонуннинг 3-моддаси 2-қисмига мувофиқ, риэлторлик фаолияти ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида олиб борилади. 9-моддасига кўра, риэлторлик фаолияти тўрт турдаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади. Жумладан, риэлторлик хизматлари турларига: кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик; кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш; кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш; кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари киритилган. Мазкур риэлторлик хизматларининг фақатгина битта тури, яъни кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар томонидан кўрсатилиши, қолган учта тури эса юридик шахс мақомидаги риэлторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган.

“Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ меҳнат жамоаси ҳам мазкур Қонунни ташкилот тизимида амалиётга жорий этиш бўйича ташкилий ишларни бошлаб юборган. Дастлабки босқичда уни ҳар томонлама пухта ўрганишга эътибор қаратилиб, биржа ходимлари учун соҳанинг малакали ҳуқуқшунослари иштирокида ўқишлар ташкил этилди. Кейинги босқичда “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, тузиладиган дастур асосида босқичма-босқич риэлторлик фаолиятига ўтиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда марказлашган, барча риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг бир жойда уйғунлашган мажмуасига асосланган кўчмас мулк бозорининг шакллантирилиши жамият ҳамда юртимиз иқтисодиёти учун фойда келтиради, деб ҳисоблаймиз. Бундай бозорнинг ташкил этилиши натижасида кўчмас мулк, шу жумладан, уй-жой бозорида тузилаётган битимларнинг ошкоралиги ва шаффофлиги таъминланади; кенг жамоатчилик бу бозорнинг ҳолати тўғрисида, унинг ривожланиш тенденциялари ҳақида батафсил ва ишончли маълумотларга эга бўлади; аҳолининг кенг қатлами кўчмас мулклар билан боғлиқ битимларни тузиш учун қаерга ва кимга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида олдиндан маълумотга эга бўлибгина қолмай, бир вақт ҳамда жойнинг ўзида сифатли ва арзон риэлторлик хизмати кўрсатиши мумкин бўлган риэлторларни танлаш имконига ҳам эга бўладилар. Ўз навбатида, риэлторлик ташкилотлари ҳамда риэлторлар орасида эркин ва ҳалол рақобат муҳити шаклланади. Кўчмас мулк харид қилиш истагида бўлган шахсларнинг ҳам танлаш имконияти кенгаяди. Бундан ташқари, марказлашган кўчмас мулк бозорининг мавжуд бўлиши бу соҳада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни юксак даражада енгиллаштиради.

Бундай бозорнинг ташкил этилиши бозор иқтисодиёти талабларига ҳам тўлиқ мос келиб, мамлакатимиз кўчмас мулк бозори ўзини ўзи бошқариш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш механизмига эга бўлади.

**Зокиржон ШАМШИЕВ,**
**«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошқаруви раиси.**

t

